

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ДАУЫЛБАЕВА КУЛШАТ КЕНЕСБАЕВНА

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБҮЙИ СТАФИЛИНИДЛАРИНИНГ (COLEOPTERA,
STARHYLINIDAE) ЭКОЛОГИК-ФАУНИСТИК ТАВСИФИ**

03.00.10 – Экология, 03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС–2023

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
биологическим наукам**

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Дауылбаева Кулшат Кенесбаевна

Жанубий Оролбўйи стафилинидларининг (Coleoptera, Staphylinidae)
экологик-фаунистик тавсифи.....3

Дауылбаева Кулшат Кенесбаевна

Эколого-фаунистическая характеристика стафилинид (Coleoptera,
Staphylinidae) Южного Приаралья.....19

Dauilbaeva Kulshat Kenesbaevna

Ecological-faunistic characteristics staphylinids (Coleoptera, Staphylinidae)
in the Southern Aral Sea region.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....39

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ДАУЫЛБАЕВА КУЛШАТ КЕНЕСБАЕВНА

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБҮЙИ СТАФИЛИНИДЛАРИНИНГ (COLEOPTERA,
STARHYLINIDAE) ЭКОЛОГИК-ФАУНИСТИК ТАВСИФИ**

03.00.10 – Экология, 03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС–2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/В135 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)), Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.aknuk.uz ҳамда «Ziyounet» Ахборот-таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бекбергенова Захира Омирбековна биология фанлари номзоди, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Абдуллаев Икрам Искандарович биология фанлари доктори, профессор Алламуратов Бауратдин биология фанлари доктори, профессор
Ётақчи ташкилот:	Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.02/30.04.2022.В.79.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «27» сентябрь куни соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Нукус шаҳри, Бердах шох кучаси, 41-уй, Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти кичик мажлислар зали. Тел.: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс (+99861) 222-17-44, Е-mail: aknuk@mail.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 рақами билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2023 йил « » _____ куни тарқатилди.
(2023 йил « » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)



Аимбетов Нагмет Каллиевич
Илмий даражалар берувчи
Бир марталик Илмий кенгаш раиси,
Академик

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Илмий даражалар берувчи
Бир марталик Илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф. PhD

Матчанов Азат Тауыбалдыевич
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Бир марталик Илмий семинар
раиси, б.ф.д. проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, улардан самарали фойдаланиш ва биохилмахилликни асрашга бўлган талабларнинг ортиши билан табиий ассоциациялар муҳофазаси ва фойдали ҳайвонларни оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада, тупроқ ҳашаротлари фауна ва экологиясини тадқиқ этиш, сон динамикасини таҳлил қилиш, популяциялар тарқалишининг замонавий ҳолатини баҳолаш, трансмиссив касалликлар ташувчилари ҳамда қишлоқ хўжалиги ва тўқай хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Дунёда етакчи илмий марказларда табиий ландшафтларга глобал иқлим ўзгаришлари ва кучли антропоген таъсирларнинг оқибатида, ҳашаротларнинг тур таркиби, тарқалиши, трофик алоқалари ва индикаторлик хусусиятлари, ҳайвонотлар биохилма-хиллигини сақлаш бўйича кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада стафилинидларнинг экологик хусусиятларини ўрганиш ва таксономик таркибини инвентаризация қилиш, ўсимликлар химояси тизимини самарали кенгайтириш, зарарли ҳашаротлар билан табиий кураш йўллари аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда биологик хилма-хилликни сақлаш ва барқарор ривожланишнинг умумий тамойилларини аниқлаш ҳамда уларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар асосида Жанубий Оролбўйи ҳудудидаги барча экотизимларда ҳашаротлар популяциялари барқарорлигини экологик баҳолаш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмини яратиш, атроф-муҳит ва генофондга таъсир кўрсатувчи муаммоларни йўқ этиш» бўйича вазифалар белгилаб берилган, бу эса Staphylinidae оиласи каби фойдали ҳашаротларнинг тарқалиши ва экологиясини асослаш, уларнинг замонавий ҳолатини баҳолашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида»ги Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги «Оролбўйи минтақасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ҳақида»ги Қарори ва ҳамда ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида» ги Фармони

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда стафилинидлар фаунаси бўйича илмий тадқиқотлар йирик немец олими Coiffait (1970) меҳнатларида келтирилади. Жанубий Оролбўйи худуди стафилинид кўнғизлари бўйича Богач, Кошанова (1982); Кашеев (1982); Искаков (1991); Кулумбетова (1998); Бекбергенова (2000); Гильденков (2004); Бекбергенова, Хамраев (2008) каби бирқатор олимлар тарафидан экологик ва фаунистик тадқиқотлар фрагментар таризда ўтказилган.

МДХ давлатларида ушбу кўнғизларнинг биологик ва экологик хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқотчилар кўплаб тадқиқотлар олиб борган: Флегонтова, 1937; Киршенблат, 1950; Потоцкая, 1967; Сычевская, 1972; Тихомирова, 1973; Филатова, 1978; 1984; Солодовников, 1998; Псарев, 1998; Шаврин, 2000; Бабенко, 2000; Гильденков, 2001; Кашеев, 2002; Гореславец, 2004; Воинков, 2007; Павлов, 2007; Шулаев, 2008; Гребенников, 2018 ва б. Марказий Осиёда мазкур мавзу бўйича Қозоғистонда Кашеев В.А (1982-2012) ва Искаков Б.В. (1982-1991) томонидан тадқиқотлар яхши олиб борилган, аммо бошқа худудларида етарлича ўрганилмаган, мазкур кўнғизлар бўйича қисқа илмий маълумотларни бир қанча олимларнинг айрим илмий ишларида кўриш мумкин: Перковский, 1980; Камалов и др., 1974; Данияров, 1982; Сабирова, Богач 1985.

Экологик-фаунистик тадқиқотлар долзарб ҳисобланиб, бутун дунёда стафилинид кўнғизлари бўйича чет эл олимларининг бир қатор мақолалари чоп этилган: Lohse, 1964; Watanabe, 1969; Coiffait, 1970; Fagel, 1970; Coiffait, 1978; Orousset, 1981; Pace., Zannetti 1982; Puthz, 1982; Zanetti, 1982; Newton, 1982; Hromadka, 1987; Naomi, 1987; Muona, 1987; Thayer, 1987; Bohac, 1988; Silfverberg 1988; Zerche, 1988; Schulke 1990; Ashe, 1991; Bordoni, 1991; Klimaszewski., Frank 1992, Fournet., Stapel., Kacem., Nénon., Brunel 2000; Staniec 2000; Ji, 2000; Kölsch, 2000, Herman, 2001; Frisch., Burckhardt., Wolters 2002; Koller., Gomes., Rodrigues., Mendes, 2002; Smetana, 2004; Lobl., Smetana, 2004; Kanao., Maruyama., Sakchoowong, 2010 ва б.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф5-ФА-О-13230-Фа-Ф1-ГОО4 2011-2015 «Гидрорежимнинг ўзгарувчанлиги ва иқлимнинг ўзгариши шароитларида Жанубий Оролбўйи табиий муҳити ва биотасининг трансформацияси динамикасини комплекс тадқиқ қилиш» (2011-2015) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Оролбўйи стафилинид кўнғизларига (Coleoptera, Staphylinidae) экологик-фаунистик тавсиф беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жанубий Оролбўйи стафилинид кўнғизларининг экологик-фаунистик таркибини аниқлаш ва уларнинг экологик-фаунистик рўйхатини тузиш;

Жанубий Оролбўйи стафилинид кўнғизларининг зонавий ва биотопларга тарқалишини ўрганиш;

Жанубий Оролбўйи стафилинидларининг экологик гуруҳларини аниқлаш;

Жанубий Оролбўйи стафилинидлар фаунаси экологик ва зоогеографик таҳлилини олиб бориш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жанубий Оролбўйи стафилинидлар оиласининг 8 кенжа оила, 17 трибага мансуб 40 авлодларининг 98 кўнғиз турлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Жанубий Оролбўйи ҳудудида ҳаёт кечирувчи стафилинид (Coleoptera, Staphylinidae) кўнғизлари тур таркиби, тарқалиши ва экологик хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида умумий қабул қилинган тупроқ зоологияси, энтомологик, морфологик, экологик каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Жанубий Оролбўйидаги стафилинидлар оиласининг 8 кенжа оила, 17 трибага мансуб 40 авлодларининг 98 кўнғиз турларидан иборат экологик-фаунистик рўйхати тузилган;

илк бор Жанубий Оролбўйи фаунаси учун янги турлар *Platystethus degener* Muls & Rey, 1878. *Carpelimus politus* Keisw., 1850 *Carpelimus heydeni* Klima., 1904 *Bledius fossor* Heer., 1839. *Bledius (Pucerus) verres* Er., 1839, *Scopaeus asiaticus* Bh., 1913 аниқланган;

Жанубий Оролбўйи табиий биоценозлар ва агроценозларидаги стафилинидларнинг биотоплар бўйича тарқалишлари аниқланган;

экологик омиллар параметрлари бўйича, озикланиш турига ва мавсумий ўзгаришига қараб, Жанубий Оролбўйи стафилинидларининг экологик хусусиятлари аниқланди, асосий экологик гуруҳлари ажратиб кўрсатилди ва уларни ишлаб чиқаришнинг механизмлари аниқланган;

Жанубий Оролбўйи стафилинидларнинг зоогеографик тарқалишлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Жанубий Оролбўйи стафилинидлари экологик хусусиятлари, таксономик таркиби, популяциядаги тузилиши аниқланган ва уларнинг кенг тарқалган турларининг хўжалик аҳамиятини белгилаб бериш бўйича чоратadbирлари ишлаб чиқилган;

тўқай экотизими ва агробиоценоздаги айрим зараркундаларнинг сонини табиий равишда камайтирувчи энтомофаг-стафилинид турлари аниқланган;

ин микробиоценозидаги касаллик тарқатувчи бургалар билан табиий озикланувчи стафилинидлар турлари аниқланган ва соғлиқни сақлаш соҳаси амалий фаолиятида тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги диссертацияда замонавий тадқиқот усулларининг қўлланилганлиги ва замонавий ёндашувлар ёрдамида асосланганлиги, олинган назарий натижаларнинг тажриба натижаларига мос келиши улар асосида олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги ва диссертация тадқиқоти амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жанубий Оролбўйи стафилинидлар турлар таркибини аниқланганлиги, экологик ўзгарувчанлигининг асосланганлиги, кенг тарқалган турлари биологияси ва экологияси асосида стафилинидлар фаунасининг шаклланиши ва тарқалишини очиқ берилганлиги, замонавий экологик шароитга улардаги мослашиш жараёнларининг аниқланганлиги билан изоҳланади. Кўпчилик стафилинид турлари бўйича тўпланган экологик маълумотлар экологик мониторинг системасини ишлаб чиқишда илмий асос бўлиб хизмат қилишлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларнинг Жанубий Оролбўйи биоресурслардан оқилона фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқишда ва фойдали стафилинид турларини қўлланиш мумкинлиги билан қишлоқ хўжалиги, медицина, ветеринария, биоиндикация соҳаларида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Оролбўйи стафилинидларининг (Coleoptera, Staphylinidae) экологик-фаунистик тавсифи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Жанубий Оролбўйи стафилинидларининг (Coleoptera, Staphylinidae) табиий биоценозларда тарқалишининг ҳозирги ҳолати бўйича олинган маълумотлар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2020 йил «22» майдаги 02/18-1062 сон маълумотномаси). Натижада, Жанубий Оролбўйи экосистемаларидаги сукцессион процессларни ҳамда стафилинид кўнғизларининг тур таркиби ва биотопик тақсимланиш хусусиятларини аниқлаш имконини берган;

Жанубий Оролбўйи шароитида ҳар хил кемирувчилар инидаги стафилинидларнинг тур таркиби ва тарқалиши бўйича олинган маълумотлар Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятига жорий қилинди (Республика ўлат, карантин ва ўта хавfli юқумли касалликлар муҳофазаси маркази Қорақалпоғистон филиалининг 2020 йил 18 мартдаги 47-сон маълумотномаси). Натижада, Жанубий Оролбўйи ҳудудида инфекция ўчоқлари шаклланишида иштирок этувчи ўлат инфекциясининг тарқалишининг эпидемиологик характердаги профилактик муаммолар ечими бўйича чора-тадбирлар ўтказиш имконини берган;

тўқай экотизимининг барқарорлигини оширишга имкон берувчи тўқай зараркунандаларига қарши курашда ишлаб чиқилган услубий материаллар Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалигининг 2020 йил 24 декабрдаги 568-сон маълумотномаси). Натижада, тўқайдаги дарахтлар ва дарахтлар мажмуаларининг аста-секин сийраклашуви ва қуришига олиб келувчи тўқай зараркунандаларнинг табиий регуляторларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари асосий 13 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асосланган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар очиб берилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистон ва қўшни давлатларда стафилинид кўнғизлари фаунаси ва экологиясининг ўрганилганлик ҳолати» деб номланган биринчи бобида стафилинидларнинг Ўзбекистон, МДХ ва дунё олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларига асосланган маълумотлар акс этган.

Тадқиқот ҳудудида олиб борилган илмий ишлар натижалари фрагментар ҳолатда бўлиб, бугунги куни Жанубий Оролбўйи шароитида кенг ҳудудда тарқалган стафилинидлар фаунасининг ҳозирги замонавий ҳолати тўлиғи билан тасвирлаб бера олмаслиги ва ушбу маълумотларнинг мутлоқо эскирганлиги очиб берилган.


Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобининг биринчи кичик бобида стафилинидларнинг фауна ва экологиясини тадқиқ қилиш усуллари ва намуналарнинг йиғилган жойлари тўғрисида маълумотлар берилган. Мазкур тадқиқот ишида асосан

Жанубий Оролбўйи шароитида 2011-2020 йилларда шахсий йиғилган энтомологик намуна материаллари ва ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти зоология музейидаги коллекцион материаллар (1999-2002 йй.) қўлланилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи кичик боби «Тадқиқот ҳудудининг табиий шароити» деб номланиб, бунда тадқиқот ҳудудининг замонавий физик-географик жойлашуви, ландшафтли-географик тақсимланиши, тупроқ қатлами, климати, гидрологик режими ва ўсимликлар ассоциацияларининг замонавий ҳолати ақс эттирилган.

Диссертациянинг учинчи боби «Жанубий Оролбўйи стафилинид (Coleoptera, Staphylinidae) кўнғизлари фаунасининг таксономик тавсифи ва умумий таҳлили» деб номланган ва унда Жанубий Оролбўйи стафилинид кўнғизлари фаунасининг таксономик тузилиши, зонавий тақсимланиши ва зоогеографик тарқалиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Учинчи бобнинг биринчи кичик бобида Жанубий Оролбўйи стафилинид кўнғизлари фаунасига таксономик тавсиф берилган ва таксономик тузилиши келтирилган. Тадқиқотлар натижасига кўра, Жанубий Оролбўйи фаунаси 8 кенжа оила, 17 трибадаги 40 авлодга оид 98 тур стафилинидларни ўз ичига олади. Қуйидаги кенжа оилалар Oxytelinae, Staphylininae, Paederinae, Steninae, Aleocharinae, Tachyporinae, Xantholininae, Omaliinae вакиллари аниқланди. Таксономик хилма-хиллик бўйича Oxytelinae кенжа оиласи ажралиб туриб, унинг ҳиссасига 37 тур тўғри келади (1-расм).



1-Расм. Жанубий Оролбўйи стафилинидлар фаунаси тузилиши


Тадқиқот ҳудудининг ҳамма жойларида *Carpelimus*, *Bledius* и *Philonthus* авлоди вакиллари устун келиб, 16.3, 13.2, ва 13.2 % эга, улардан пастроқ

кўрсаткични *Aleochara* (5%), *Platystethus* (4%), *Oxyopoda* (4%), *Tachyporus* (3%) авлодлари вакиллари белгиласа, қолган авлодлар (*Falagria*, *Stenus*, *Rabigus*, *Bisnius*, *Anotylus*, *Medon*, *Scopaeus*) умумий тур таркибининг 2% га тўғри келиб, 26 авлодга эса битта турдан тақдим этади.

Диссертациянинг мазкур бобининг иккинчи кичик бобида Жанубий Оролбўйи стафилинидларининг зонавий тақсимланиши таҳлил қилинади. Жанубий Оролбўйи чўл ва дашт зоналарининг стафилинидлар фаунасини Амударё дельтаси стафилинидлар фаунаси билан таққосласак, кейингисида кўп сонда бўлиб, бу ҳавонинг нисбий намлиги нисбатан юқорилигидан ва мазкур кўнғизлар учун қулай экологик шароитларнинг хилма-хиллигидан гувоҳлик беради.

Диссертациянинг «Жанубий Оролбўйи стафилинид (Coleoptera, Staphylinidae) кўнғизлари фаунасининг зоогеографик таҳлили» деб номланган учинчи бобнинг учинчи кичик бобида Жанубий Оролбўйи стафилинид кўнғизларининг турларининг тарқалиш ареалларига зоогеографик шарҳ ясалади ва таҳлил қилинади. Тадқиқот натижаларига кўра, Жанубий Оролбўйи стафилинидлари фаунаси етарлича хилма хилдаги зоогеографик комплекс вакиллари ўзига бириктиради (2-расм).

Жанубий Оролбўйи стафилинид кўнғизларининг асосий зоогеографик гуруҳлари нисбатининг таҳлиliga кўра, тадқиқот ҳудудидаги экологик гуруҳни белгиловчи табиий муҳит билан тўғридан тўғри боғлиқлик бор эканлигини кўрсатади. Оммавий ва кенг турдаги ареал формаларининг устунлиги экологик мутаносиб ва синантроп турларнинг устунлиги билан, чўл ва дашт, бинобарин, галофил турларнинг кўп тарқалганлиги эса тадқиқот регионининг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади.




2-Расм. Жанубий Оролбўйи стафилинидлар (Coleoptera, Staphylinidae) фаунасининг зоогеографик тузилиши

Диссертациянинг «**Жанубий Оролбўйи биоценозларида стафилинид (Coleoptera, Staphylinidae) кўнғизлари тақсимланиши ва экологик тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобида Жанубий Оролбўйи стафилинид кўнғизларининг экологик, биологик хусусиятлари келтирилган тадқиқот натижалари ёритилган.

Диссертация тўртинчи бобининг биринчи кичик бобида стафилинидларнинг биотопларида тақсимланиши келтирилган. Уларнинг биотопларда тақсимланиши жуда нотекис. Чунки, стафилинидлар намлик севувчи ҳашаротлар бўлиб, уларнинг тақсимланишига улар ҳаёт кечирадиган субстратнинг намлиги сезиларли таъсир қилади. Стафилинид турлари ва сони бўйича кўпинча қирғоқ бўйи бой ҳисобланади.

Тадқиқотимиз давомида қирғоқ бўйлари биотопидаги стафилинидларнинг сув ҳавзалари бўйича тақсимланиши ўрганилиб, Қуйи Амударё ва улардаги кўллар, суғориш каналлари, ариқ бўйлари қирғоқлари ичида стафилинидлар тур таркиби ва зичлиги бўйича ички сув ҳавзалари (суғориш каналлари), ҚАБР, Сарбас, Мўйнок, Ақчақўл, Судочье кўлларининг қирғоқ бўйлари биотоплари анча бой ҳисобланади.

Қорақалпоғистон шароитида агробиоценоздаги стафилинидлар ўзига хос ва экологик хилма-хил тур таркибига эга. Тадқиқотимиз натижасида Қорақалпоғистон шароити агробиоценозларида 7 кичик оила, 30 авлодга тегишли 53 тур стафилинид қайд этилди. Қорақалпоғистон шароитида агробиоценозлардаги стафилинидлар сони сабзаёт экинларининг намли биотопларида юқори кўрсаткичга эга (3-расм).



3-Расм. Жанубий Оролбўйи агробиоценозларидаги стафилинид (Coleoptera, Staphylinidae) турларининг биотоплар бўйича тақсимланиши (2011-2019йй).

Агробиоценозларнинг деярли ҳамма жойларида *Philonthus*, *Carpelimus*, *Aleochara* авлодлари устун келиб, 18.8%, 7.5% ва 7.5 % эга, *Platystethus*, *Tachyporus*, *Bledius* – озгина паст 5.6%. Бошқа авлодлар (*Stenus*, *Anotylus*, *Oxytelus*, *Scopaeus*) умумий тур таркибининг 3.7 % ини эгалласа, 19 туркум биттадан ўз вакилига эга.

Шунингдек, стафилинидларнинг яшаш жойларига мисол тариқасида микробиотоплар – хайвонларнинг гўнги ва ўлакеси, умуртқали хайвонларнинг инлари киради. Копробионт стафилинидларнинг кўпчилиги пашша ва гельминтларнинг личинкалари ва бошқа инфекция таркатувчилар билан озикланадиган йиртқичлар ҳисобланади. Амударё дельтасида гўнг микробиотопларида яқин биотопларнинг хилма-хиллиги ҳисобидан копробионт стафилинид турларига анча бой (1-жадвал).

1- Жадвал

Жанубий Оролбўйи умуртқали хайвонлар гўнгидаги стафилинидлар кичик оиласининг тарқалиши (туркум/тур)

Йиғилган жойи	Aleocharinae (авлод/тур)	Staphylininae (авлод/тур)	Oxytelinae (авлод/тур)	Xantholininae (авлод/тур)
Қизилкум	3/4	2/3	2/4	0/0
Устюрт	1/1	1/2	0/0	0/0
Қуйи Амударё	5/15	6/20	5/23	1/1

Биоценологик концепциядан келиб чиққан ҳолда, қушларнинг уялари ёки турли умуртқали хайвонларнинг инлари – микробиотоплар, уларда яшайдиган организмлар муҳити эса микробиоценозлар ҳисобланади. Ин лабиринтининг микроиқлими шароитида мезо, ҳатто гигрофил организмлар ҳаёт кечирилади.


Тадқиқотларимиз натижасида Жанубий Оролбўйи шароитида кемирувчилар инидан 6 кенжа оиланинг 28 авлодига тегишли 42 тур стафилинидлар қайд этилди. Кемирувчилар инидаги бургалар сонини бартараф этишда катта аҳамиятга эга бўлган 5 доминант ботробионт стафилинид турлари топилди: *Bisnius scribae*, *Sepedophilus (Conosoma) lineata*, *Oxypoda togata*, *Coprophilus pennifer*, *Microglotta nidicola*. Қолган бошқа турлар яшаш муҳитида жуда кам сонда ёки бир-бирини алмаштириш билан тасодифий учрайди.

Тўшамаларда ҳаёт кечирувчи стафилинид қўнғизларнинг тур таркиби жуда бой, ўсимлик қолдиқлари стафилинидофаунасига жуда ўхшаш, бу икки субстратнинг жуда яқин жойлашуви билан изоҳланади, лекин, иккинчиси унчалик ўзига хос эмас, чунки субстрат бир неча турлар орасида ўтувчи, мисол сифатида гўнг, ўлакеса, органик қолдиқлар ва ҳоказо. Биотоплар аро ўхшашлик коэффицентларининг (Жаккар бўйича) киймати белгилаб олинди (2-жадвал).

**Биотопларнинг ўхшашлик коэффициентлари (Жаккар бўйича)
қиймати (%)**

Биотоп турлари	Сув бўйи	Тўшама	Ўсимлик қолдиқлари	Гўнг	Ин микробиоценози	Ўсимлик яруси
Қирғоқ бўйи	/	21,0	23,1	9,3	0,9	5,7
Тўшама	21	/	33,9	7,1	2,4	7,0
Ўсимлик қолдиқлари	23,1	33,9	/	21,2	2,2	10,9
Гўнг	9,3	7,1	21,2	/	2,5	2,4
Ин микробиоценози	0,9	2,4	2,2	2,5	/	1,2
Ўсимлик яруси	5,7	7,0	10,9	2,4	1,2	/

Жанубий Оролбўйидаги стафилинидларнинг биотопик таксимланишини ўрганиш натижаси яшаш шароитлари бўйича бирнеча экологик гуруҳларни ажратиш имконини беради: рипиколлар (17 тур), стратобионтлар (39 тур) копробионтлар (14 тур), геобионтлар (8 тур), ботробионтлар (9 тур), эпибионтлар (10 тур) ва антобионтлар (1 тур) (4-расм).




4-Расм. Жанубий Оролбўйи стафилинидлари экологик гуруҳларининг (яшаш шароитлари бўйича) нисбати (%) (2011-2016 йй.)

Диссертация тўртинчи бобининг иккинчи кичик бобида Жанубий Оролбўйи стафилинидларига экологик омилларнинг таъсири натижалари кўриб чиқилган. Тадқиқот ҳудудига хос бўлган даврий ўта кам сув - қирғоқ биотоплари, кўплаб сув ҳавзалари ва сайоз сувларнинг қуришига ва қамиш илдиз зоналарининг сустлашишига олиб келади, оқибатида сувнинг шўрлиги ортади бу эса *Bledius tricornis* каби гигрофил турлар сонининг динамикасига таъсир кўрсатиб ўзгаришига олиб келади (5-расм).



5-расм. Сарбас кўлининг қирғоқ бўйи биотопидаги *Bledius tricornis* кўнғизи сонининг ўзгариши (2011-2019 йй).

Ғўзада тарқалган *Paederus fuscipes* бошқа турларга караганда анча қурғоқчиликка чидамли бўлиб, ғўза тунламининг тухумлари ва личинкаларини йўқ қилади, ушбу турнинг мазкур биотопадаги сони унинг озикавий ресурслари билан боғлиқ (6-расм).




6-расм. Ғўза агробиоценозида *Paederus fuscipes* кўнғизининг ўртача зичлиги (Хужайли тумани, П.Халмуратов Д/Х 2011-2020 йй.)

Қишлоқ хўжалигида ерларга ҳар хил кимёвий препаратлар билан ишлов бериш стафилинидларга салбий таъсир кўрсатади. Биз ғўза майдонлари бегона ўтлар муҳитининг 1 м² тупроқ-тушама қабатидаги стафилинидларнинг ўртача сонини аниқладик, натижада мазкур кўнғизлар сони кимёвий моддалар (гербицидлар, пестицидлар) билан ишлов берилганида уларнинг сони кескин камайганлиги аммо кимёвий ишлов берилмаган далаларда эса анча кенг тарқалганлиги аниқланди (3-жадвал).

Қорақалпоғистон ғўза далалари атрофидаги 1м² тупроқ-тушама қабатидаги стафилинидларнинг ўртача сони

Хужайли тумани «П.Халмуратов» Ф/Х			Кегайли тумани «Б. Каримбердиев» Ф/Х		
Хисоб Куни	Кимё.препаратлар ишлов берилмаган майдон	Кимё.препаратлар ишлов берилган майдон	Хисоб куни	Кимё.препаратлар ишлов берилмаган майдон	Кимё.препаратлар ишлов берилган майдон
20.05.2012й.	10,5	9,4	24.05.2012й.	9,7	8,0
21.05.2012й.	9,5	7,2	26.05.2012й.	7,6	6,8
22.05.2012й.	3,2	1,6	28.05.2012й.	4,8	3,9
23.05.2012й.	11,5	9,6	30.05.2012й.	6,9	5,6
03.06.2012й.	9,8	6,3	04.06.2012й.	13,3	4,8
05.06.2012й.	13,2	5,9	06.06.2012й.	10,9	3,9
07.06.2012й.	11,1	-	08.06.2012й.	17,7	-
09.06.2012й.	1,8	-	10.06.2012й.	22	-
11.06.2012й.	36	1,2	12.06.2012й.	31	-
13.06.2012й.	39	0,9	14.06.2012й.	33	-
15.06.2012й.	21	0,7	16.06.2012й.	29	-


Диссертация тўртинчи бобининг учинчи кичик бобида Жанубий Оролбўйи стафилинидларининг экологик хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган. Стафилинидларнинг озукавий объектлари кенг спектрда бўлганлиги сабабли озикланиш турлари ҳам хилма-хил ҳисобланади. Табиатда яширин ҳаёт кечирувчиларнинг озикланишларини обдон ўрганиш услублари йўқлиги сабабли, биз ўз тадқиқотларимизда лаборатория тажрибалари, адабиётлар таҳлили, хусусан, муаллифнинг шахсий кузатувлари асосида мазкур кўнғизларнинг озикланиш типлари келтирилди (7-расм).



7-Расм. Жанубий Оролбўйи стафилинидлари трофик гуруҳларининг нисбати (%) (2016-2019 йй.)

Қорақалпоғистон шароитида стафилинидларнинг мавсумий ўзгаришини бутун оила ичида турли даражадаги аниқлик билан кузатиш мумкин. Тадқиқот ҳудудида стафилинидлар март ойининг охирида пайдо бўлади ва октябрь ойигача фаол. Тадқиқот жойларида қўнғизларнинг энг кўп сони ёз мавсумида (8-расм), Амударёнинг қумли ва лойқали қирғоқлари, қўллар каналлар (1 м² 20-40 дона) агроценозларда (1 м² 10-30 дона) ва энг кам туқайзорларда (1 м² 2-6 дона) дан туғри келади.

Биз кузатган кичик оила вакиллариининг кўпчилигида мавсумий фаоллик баҳордан кузгача айнан июнь ойининг ўрталарида ва июль ойининг охири-август ойининг бошида иккита пик билан намоён бўлади.



8-расм. Қўйи Амударё биоценозларида стафилинидларнинг йирик кичик оилалари ўртасидаги мавсумий нисбати

Жанубий Оролбўйи стафилинидларининг (Coleoptera, Staphylinidae) экологик-фаунистик тавсифи мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

ХУЛОСАЛАР

1. Тадқиқот натижаларига кўра, Жанубий Оролбўйи стафилинидлар оиласи фаунаси 8 кенжа оила, 17 трибадаги 40 авлодга мансуб 98 тур стафилинидларни ўз ичига олади. Таксономик хилма-хиллиги билан Oxytelinae кенжа оиласи ажралиб туриб, ўз ичига 37 турни олади. Қуйидаги турлар: *Platystethus degener* Muls & Rey, 1878. *Carpelimus politus* Keisw., 1850 *Carpelimus heydeni* Klima., 1904 *Bledius fossor* Heer., 1839. *Bledius (Pucerus) verres* Er., 1839, *Scopaeus asiaticus* Bh., 1913 Жанубий Оролбўйи фаунасида илк бора аниқланган.

2. Тадқиқот ҳудудида стафилинидлар фаунаси Амударё дельтасида тур ва сон жиҳатидан бой эканлиги исботланди. Тадқиқотимиз супралиторал зона учун *Stenus*, *Bledius*, *Carpelimus*, *Philonthus*, *Paederus*, *Aleochara*

авлодларининг хар хил турлари одатий эканлигини кўрсатди. Қизилқум ва Устюртда тупроқ температурасининг юқори, курук бўлиши ва тўшаманинг йўқлигидан ушбу кўнғизлар сони анча паст бўлади.

3. Тадқиқот ҳудудидаги стафилинидлар фаунасининг зоогеографик таҳлилига кўра, транспалеарктик, ғарбий палеарктика, голарктик ва туран турлари устунлик этади. Бунда тарқалиш ареали кенг турлар кўпроқ ва курук шароитга мос келадиган эндемик (чўл ва дашт) турларининг ҳам анча хиссаси бор.

4. Қирғоқ бўйидаги (92,8%) тупроқнинг кучли тузланиш даражасига карамасдан агробиоценозга (54%) солиштирганда, стафилинидлар сони ва зичлиги жуда юқори, *Bledius* Mnnh., *Carpelimus* Mnnh., *Platystethus* Mnnh. авлодларининг вакиллари бу ерда доимий ҳаёт кечирувчилардан хисобланади. Агробиоценознинг нам биотопларидаги сабзавотлар майдонларида стафилинидлар сони юқори, сони бўйича энг ками эса маккажўхори плантациялари бўлиши аниқланган.

5. Жанубий Оролбўйида стафилинидлар кенг спектрдаги яшаш жойини эгаллайди. Турларнинг кўпчилик сони стратобионтлар (40%), рипиколлар (17%), копробионтлар (14%) ва эпибионтларга (10%), тўғри келади. Фауна ичида ботробионтлар (9%), ва геобионтларнинг (8%), белгили даражада ўрни бор, антобионтлар улуши сезиларсиз бўлиб, фақат 1% эканлиги аниқланди.

6. Жанубий Оролбўйида стафилинидларнинг озикавий объектлари кенг спектрда бўлганлиги сабабли озикланиш турлари ҳам хилма-хил хисобланади, озикланиш гуруҳлари ичида зоофаглар (50%) устун келиб, сапрофаглар (16,5%), эврифаглар (15,5%), фитофаглар (12%) мавжудлиги аниқланган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ Dsc.02/30.04.2021.В.79.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ
ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**

**КАРАКАЛПАКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**

ДАУЫЛБАЕВА КУЛШАТ КЕНЕСБАЕВНА

**ЭКОЛОГО-ФАУНИСТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА
СТАФИЛИНИД (COLEOPTERA, STAPHYLINIDAE) ЮЖНОГО
ПРИАРАЛЬЯ**

03.00.10-Экология, 03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Нукус–2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2022.1 PhD/B135

Диссертационная работа выполнена в Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.aknuk.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:	Бекбергенова Захира Омирбековна кандидат биологических наук, старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	Абдуллаев Икрам Искандарович доктор биологических наук, профессор Алламурастов Бауатдин доктор биологических наук, профессор
Ведущая организация:	Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2023 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.04.2021 B.79.01 при Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук (Адрес: 230100, г. Нукус, Проспект Бердаха, 41 Малый зал Института). Тел.: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс (+99861) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2023 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2023года)



Аимбетов Нагмет Каллиевич
Председатель Разового Научного совета
по присуждению ученых степеней, Академик

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Ученый секретарь Разового
Научного совета по присуждению
ученых степеней, PhD б.н.

Матчанов Азат Тауыбалдиевич
Председатель Разового Научного семинара
при Разовом Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы. Во всем мире особое внимание уделяется охране природных ресурсов, их рациональному использованию и сохранению биоразнообразия, созданию научных основ охраны и рационального использования полезных животных. В этой области исследование фауны и экологии почвенных насекомых, анализ динамики численности, оценка современного состояния распределения популяции, разработка мероприятий по борьбе с переносчиками трансмиссивных заболеваний и вредителями сельского и лесного хозяйства имеют важное научное и практическое значение.

В ведущих научных центрах мира проводятся масштабные исследования по сохранению биоразнообразия животных, видового состава, распространения, трофических связей и индикаторных свойств насекомых вследствие глобального изменения климата и сильного антропогенного воздействия на природные ландшафты. В этом направлении особое внимание уделяется изучению экологических особенностей стафилинид и инвентаризации их таксономического состава, эффективному расширению системы защиты растений, выявлению естественных способов борьбы с вредными насекомыми.

В республике уделяется особое внимание разработке и внедрению мероприятий в области устойчивого развития и сохранения биоразнообразия. В этом направлении на основе программных мероприятий были достигнуты определенные результаты по сохранению биологического разнообразия и использованию природных ресурсов, по экологической оценке устойчивости популяций насекомых во всех экосистемах Южного Приаралья. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹, были поставлены задачи по «...создание эффективных механизмов научных и инновационных достижений в практику, предотвращение проблем, влияющих на окружающей среду и генофонд», это в свою очередь, направленных на проведение научно-исследовательских работ по оценке современного состояния, обоснование экологии и распространении полезных видов семейства Staphylinidae в Южном Приаралье имеет теоретическое и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 18 января 2017 года «О Государственной программе развития региона Приаралья на 2017-2021 гг.»,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

а также и других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие темы проводимых в республике научно-исследовательских направлений. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетным направлением развития науки и технологий республики - V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по фауне стафилинид в Узбекистане были отмечены в работе крупного немецкого специалиста Coiffait (1970). На территории Южного Приаралья экологические и фаунистические исследования по стафилинидам фрагментарно были проведены рядом ученых: Богачом, Кошановой (1982); Кашеевым, (1982), Исаковым (1991); Кулумбетовой (1998); Бекбергеновой (2000); Гильденковым (2004); Бекбергеновой, Хамраевым (2008).

В странах СНГ изучению биологических и экологических особенностей данных жуков посвящено множество работ: Флегонтова, 1937; Киршенблат, 1950; Потоцкая, 1967; Сычевская, 1972; Тихомирова, 1973; Филатова, 1978; 1984; Солодовников, 1998; Псарев, 1998; Шаврин, 2000; Бабенко, 2000; Гильденков, 2001; Кашеев, 2002; Гореславец, 2004; Воинков, 2007; Павлов, 2007; Шулаев, 2008; Гребенников, 2018 и др. В Центральной Азии по данной теме наиболее подробно велись исследования в Казахстане, со стороны В.А. Кашеева (1981-2012) и Б.В. Исакова (1982-1991), а по остальным регионам, приведены лишь фрагментарные сведения в научных работах Камалова и др (1974), Перковского (1980), Даниярова (1982), Сабировой, Богача (1985).

Эколого-фаунистические исследования актуальны во всем мире, сведения по стафилинидам встречаются в ряде статей зарубежных ученых: Lohse, 1964; Watanabe, 1969; Coiffait, 1970; Fagel, 1970; Coiffait, 1978; Orousset, 1981; Pace., Zannetti 1982; Puthz, 1982; Zanetti, 1982; Newton, 1982; Hromadka, 1987; Naomi, 1987; Muona, 1987; Thayer, 1987; Bohac, 1988; Silfverberg 1988; Zerche, 1988; Schulke 1990; Ashe, 1991; Bordoni, 1991; Klimaszewski., Frank 1992, Fournet., Stapel., Kacem., Nénon., Brunel 2000; Staniec 2000; Ji, 2000; Kölsch, 2000, Herman, 2001; Frisch., Burckhardt., Wolters 2002; Koller., Gomes., Rodrigues., Mendes 2002; Smetana 2004; Lobl., Smetana 2004; Kanao., Maruyama., Sakchoowong 2010 и др.

Связь диссертационной работы с государственными программами или планами научно-исследовательских работ. Диссертационная работа выполнена в соответствии с планом научно-исследовательских работ Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук ККО АН РУз по программе: Ф5-ФА-0-13230-Фа-Ф1-Г004 «Комплексное исследование динамики трансформации природой среды и биотопы Южного Приаралья в условиях неустойчивости гидрорежима и изменений климата» (2011–2015 гг.).

Целью исследования является эколого-фаунистическая характеристика жуков стафилинид (Coleoptera, Staphylinidae) Южного Приаралья.

Задачи исследования:

выявление эколого-фаунистического состава жуков стафилинид Южного Приаралья и составление их эколого-фаунистического списка;

изучить распределение стафилинид Южного Приаралья по зонам и биотопам;

выявить экологические группы стафилинид Южного Приаралья;

провести экологический и зоогеографический анализ фауны стафилинид Южного Приаралья.

Объектом исследования являются 98 видов жуков стафилинид из 40 родов, относящихся к 17 трибам, 8 подсемейств в Южном Приаралье.

Предметом исследования является видовой состав, экологические особенности и распространение стафилинид, обитающих на территории Южного Приаралья.

